

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИКЛАРИ БҮЙИЧА МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ёКИ УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Рахматов Бобурбек Туракул ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Жиноят хукуқ кафедраси  
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7193756>

**Аннотация.** Мақолада Хорижий мамлакатларни жиноят қонунчилиги бүйича мулкни қасдан нобуд қилиши ёки унга зарар етказиш учун белгиланган жиноий жавобгарлик хусусиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ушибу турдаги жиноятылар учун жавобгарлик белгиланган нормалар билан қиёсий-хукуқий ва илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, миллий қонунчиликни такомиллаштириши бүйича тақлифлар баён қилинган.

**Калим сўзлар:** хорижий мамлакатлар, Ўзбекистон, жиноят қонунчилиги, мулкни қасдан нобуд қилиши, зарар етказиш, жиноий жавобгарлик, жазо.

## ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА УМЫШЛЕННОЕ УНИЧТОЖЕНИЕ ИЛИ ПОВРЕЖДЕНИЕ ИМУЩЕСТВА ПО УГОЛОВНОМУ ЗАКОНОДАТЕЛЬСВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ИНОСТРАННЫХ ГОСУДАРСТВ

**Аннотация.** В статье рассмотрены признаки уголовной ответственности, установленной за умышленное уничтожение имущества или его повреждение по уголовному законодательству иностранных государств, а также анализируются со сравнительно-правовой и научной точек зрения нормы, установленные для ответственности за данный вид преступления и представлены предложения по совершенствованию национального законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** зарубежные страны, Узбекистан, уголовное законодательство, умышленное уничтожение имущества, нанесение ущерба, уголовная ответственность, наказание.

## ISSUES OF LIABILITY FOR WILLFUL DESTRUCTION OF OR DAMAGE TO PROPERTY UNDER FOREIGN AND INTERNATIONAL CRIMINAL LAWS

**Abstract.** In the article, the features of criminal liability established for the intentional destruction of property or damage to property in foreign countries and the norms of responsibility for this type of crime in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan are analyzed from a comparative, legal and scientific point of view, and suggestions for improving the national legislation are presented in the article.

**Keywords:** foreign countries, Uzbekistan, criminal law, intentional destruction of property, damage, criminal liability, punishment.

## КИРИШ

Жиноят қонунчилигига яқин ва узок хорижий мамлакатларда мулка қасдан нобуд қилиш ва унга зарар етказиш учун жавобгарлик тортиш тұғрисидаги жиноий қонунчиликни қиёсий таҳлил ёрдамида ўрганиш ўз жиноий қонунчилигимиздаги муомоларни бартараф етишга катта хизмат қиласы.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 173-моддасида Мулка қасдан нобуд қилиш ва унга зарар етказиш жинояти ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган

жиноятлар сифатида таснифланган бўлиб, Мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга заарар етказиш жиноий жавобгарлигига ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятидан фарқли ўлароқ, айборнинг жиноий бойиши билан боғлиқ бўлмайди, мулкини талон-тарож қилишда эса ҳукуққа хилоф равища ўрнини қопламасдан, мулқдорга заарар етказиб, ўзганинг мулкини айборнинг ўзи ёки бошқа шахслар фойдасига эгаллаб олиши ёки ўтказиши тушунилади. Хорижий мамлакатларда мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга заарар етказиш жинояти учун белгиланган жавобгарлик чораларини таҳлил қилиш орқали МДҲга аъзо давлатларни қонунчилигига ўзаро ўхшашиб ва фарқли нормалар мавжудлигини кузатиш мумкин.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Россия Федерацияси, Беларусия, Украина қонунчилигига Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг, ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича боб ва бўлимларида назарда тутилган, Ўзбекистон қонунчилигига ва аксарият хорижий давлатларда (масалан Латвия, Қозоғистон, Қирғизистон)нинг Жиноят кодексида “Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган” жиноятлар бобида қайд этилган. Бир қатор мамлакатларда ўзганинг мулкини нобуд қилиш ёки унга заарар етказиш алоҳида бўлим ва бобларга ажратилган. Мисол учун Болгария Республикаси Жиноят кодексининг VII бўлим, 5-боби “мулкни шикаст етказиш ва йўқ қилиш” мулк дахлсизлигига қаратилган нормаларни кенг қамраб олган. Бундан ташқари Дания Қироллигининг Жиноий кодексида ўзганинг мулкига шикаст етказиш ва йўқ қилиш қоидалари фақатгина 29 бўлимда кўрсатилган мулкларга таъсир кўрсатади. Бунга кўра мулк дахлсизлигига қаратилган нормаларда кредиторлар ҳақ-ҳукуқлари алоҳида белгилаб ўтилган, яъни ЖКнинг 29-моддасида гаров эвазига қўйилган мулкларга шикаст етказилган ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш нормалари, ундан ташқари “Жамият учун хавф туғдирадиган жиноятлар” бобида жамиятни алдаш ёки унга заарар етказиш мақсадида ўз мулкига ёки ўзганинг мулкига зарар етказиш, йўқ қилиш уни ёндириш ҳолатларилда алоҳида жиноий жазо турлари кўрсатиб ўтилган.

Россия Федерацияси Жиноий Кодексининг 167-моддасида мулкни қасдан йўқ қилиш ва ўзганинг мулкига шикаст етказиш учун жавобгарликка тортиш нормалари мулка шикаст етказишга қаратилган жиноят ҳисобланади. Бунга асосан мулк дахлсизлигига нафакат шахсий буюмлар (шахсий транспорт, пул суммалари, қимматли қофзлар в.к.) балким кўчмас мулк обьектлари ҳам киради (турап жой, дала ҳовли в.к.), Ўзбекистон қонунчилигига ҳам жиноятнинг предмети ҳар қандай (кўчар ёки кўчмас мулклар) бўлиши мумкин. Ўзига тегишли бўлган ёки умумий мулкларни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқармаслиги ҳам таъкидлаб ўтилган.

Испания Жиноий Кодексида мулк дахлсизлигига қаратилган жиноий жазолар қўлланилиш субъектлари бошқа дунёнинг ривожланган давлатларнинг Жиноий кодексларидан тубдан фарқ қиласиди. Унга кўра қонуний ажрашмаган ва бирга истиқомат эр-хотинлар, ака-укалар, боқиб олинган фарзандлар ва қариндошларга, шахсга шикаст етказилмаган аммо мулка шикаст етказилган ёки йўқ қилинган ҳолатларда жиноий жазо турлари қўлланилмайди. Мухтасар қилиб айтганда Испания ЖКда мулк дахлсизлигига жиноий жазо қўлланиладиган асосий субъект бу бегона шахсdir. Бизининг қонунчилигимизда умумий субъект бўлиб, 16 ёшга тўлган ақли расо, жисмоний шахс ҳисобланиб, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун жавобгарлик 14 ёшдан бошлашини таъкидлаб ўтилган.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Хозирда дунёning кўплаб давлатларида заар етказилган ва йўқ қилинган мулкининг қийматига қараб жиноий жазо турларини тайинлаш нормалари мужассам. Мисол учун Қозогистон Республикаси Жиноят Кодексидада мулкка минимал, ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичларни базавий ҳисоблашнинг 100 бараваридан 500 барварига тенг заар миқдорида ҳисбланиб жиноий жазо турлари қўлланилади.

Россия Федерациясининг Жиноят Кодексида мулк қийматига қаратилган аниқ критериялар мавжуд эмас. Унда жиноий жазо тайинлаш жараёнида заар етказилган мулкнинг қийматига эмас балки жиноят содир қилган шахснинг мол-мулка қараб хукм чиқарилади.

Латвия Республикаси ЖКнинг 1 бўлим 185-моддасида мулкка заар етказиш ҳолатларида мулкнинг қандай қийматга эгалигидан қатъий назар ўрнатилган тартибда мулка шикаст етказган шахсга нисбатан жазо қўлланилади.

Болгария Республикаси ЖКнинг мулка дахлсизлик жабҳасида бошқа давлатлардан фарқи шунда, унда мулка минимал даражада шикаст етказилган бўлса хам жиноят жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар турига киради.

Ўзбекистон қонунчилигига жиноий жавобгарликка тортиш шарти мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга заар етказиш анча миқдорни ташкил қилиши ҳисобланади. Шу боис, мазкур жиноят мулкка анча миқдорда заар етказилган вақтдан бошлаб тугалланиши ва заар миқдори етказилган моддий зарарнинг фактик ҳолатидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Агар шахс томонидан ҳаракат содир этилиши натижасида фактик жиҳатдан белгилангандан кам миқдорда заар етказилган бўлса, бироқ айборнинг нияти анча миқдорда заар етказилишига қаратилган бўлса, қилмиш айборнинг ниятига қараб мулкни қасдан нобуд қилиш ёки заар етказишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим деб топилади.

## МУҲОКАМА

Кўп давлатларнинг жиноий қонунчилигига мулка шикаст етказиш ёки уни йўқ қилиш жараёнида умумхафли йўллар (порлатиш, ёқиши) ёки воситалардан (портловчи моддалар) фойдаланилган холларда жиноий жазолар қўллаш нормалари алоҳида боблар ва бўлимларга ажратилган (масалан: Болгария Республикаси ЖК, Швейцария ЖК в.к.). Ушбу давлатларда жиноий жазо қўллаш жараёнида мулка шикаст етказилган йўллар, воситалар ва унинг аянчли оқибатлари инобатга олинган холда жазо турлари тайинланади.

Америка Қўшма Штатларининг (кенги ўринларда АҚШ деб аталади) Техас ва Кентуки штатларида бундай ҳолатларда нафақат содир этилган ёнгин ва портлашгагина эмас балки содир бўлиши режалаштирилган лекин маълум бир сабабларга кўра содир қилинмаган ҳодисаларга хам жиноий жазо қўлланилади. Лекин АҚШнинг бошқа штатларида жиноят жараёнида бирон шахсга заар етказилган холлардагина жиноий жазо қўлланилади

Германия Федератив Республикасида (кенги ўринларда ГФР) ЖКда мулка шикаст етказиш жараёнида хар бир юқорида кўрсатилган сабаблар инобатга олинган. Масалан маълум бир шахс чекиши оқибатида ўзганинг мулкига заар етказган холларда хам жиноий жазонинг оғир формалари қўлланилади. Ундан ташқари дунёning кўплаб давлатларида мулк дахлсизлигига қаратилган жиноятлар жазосини енгиллаштирувчи нормалар ва бир қатор критериялар мавжуд. Масалан ГФРда жиноятни содир қилган шахс айбига икрор

бўлса ёки ёнғин пайтида уни келиб чиқишига сабабчи бўлган шахс томонидан хавф бартараф этилса, хавфни бошқаларга зарар етмаслиги таъминланса бундай ҳолларда енгиллаштирувчи нормалар қўлланилади. Бу каби нормаларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам қўришимиз мумкин. Масалан, мулка шикаст етказган шахс етказилган зарарни уч карра миқдорда қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоси қўлланилмайди. Шуни таъкидлаш жоизки, етказилаётган зарарни қоплаб бериш нафақат жиноят содир қилган шахснинг дахлсизлигига, балки давлат иқтисодига ҳам фойда олиб келишшигидир

## ХУЛОСА

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, турли давлатлар қонунчилигини ўрганиш ва қиёсий таққослаш мулкка ыасдан нобуд қилиш етказиш буйича нормаларни такомилаштиришда муҳим ахамият касб этади халқаро ҳамжамият касб этади.

## REFERENCES

1. Уголовное право зарубежных государств. Особенная часть. – М., 2004. – С. 528.
2. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-В (с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.03.2022 г.)  
[https://online.zakon.kz/m/document/?doc\\_id=31575252](https://online.zakon.kz/m/document/?doc_id=31575252)
3. "Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 25.03.2022) <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody&ndash;102041891> Колмаков Д.А. Грабежи и разбои в уголовном законодательстве зарубежных стран // Вестник ТГУ. – 2011. – Выпуск 12 (104). – С.390.
4. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики Введен в действие Законом КР от 28 октября 2021 года № 126) (В редакции Закона КР от 18 января 2022 года №4.)  
<http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112309>
5. Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 года № 275-З (с изменениями и дополнениями по состоянию на 05.01.2022 г.)  
[https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30414984](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30414984)
6. См.: Курс уголовного права. Особенная часть: учебник для вузов. Т.3 / под ред. Г. Н. Борзенкова, В. С. Комиссарова. М.: ИКД Зерцало-М, 2002. С. 411; Российское уголовное право: учебник. В 2 т. Т. 2. Особенная часть / под ред. Л. В. Иногамовой-Хегай В. С. Комиссарова, А. И. Рарога. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. С. 77.
7. См.: Уголовный кодекс Испании / под ред. и предисловием докт. юрид. наук, проф. Н. Ф. Кузнецовой и докт. юрид. наук, проф. Ф. М. Решетникова. М.: Зерцало, 1998. С. 85–87.
8. См.: Уголовный кодекс Дании / научное редактирование и предисловие С. С. Беляева, канд. юрид. наук (МГУ им. М. В. Ломоносова). Перевод с датского и на английский канд. юрид. наук С. С. Беляева, А. Н. Рычевой. СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. С. 153–156, 214–215.
9. См.: Козочкин И. Д. Уголовное право США: успехи и проблемы реформирования. СПб.: Юридический центр Пресс, 2007. С. 423–425

10. См.: Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии / науч. ред. и вступ. ст.докт. юрид. наук, проф. Д. А. Шестакова. СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. С. 454–461
11. Уголовный кодекс Республики Узбекистан (с изменениями и дополнениями на 15 июля 2001 г.). СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. С. 197–198.
12. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (с изменениями и дополнениями по состоянию на 24.03.2022 г.)  
[https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30418109](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109)
13. Уголовный Закон Латвии Закон, принятый Сеймом 17 июня 1998 года и обнародованный Президентом государства 8 июля 1998 года (С изменениями, внесенными по состоянию на 20 июня 2019 года) <https://lawyer-khroulev.com/wp-content/uploads/2019/09/ugolovnij-zakon-latvii.pdf>
14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2007. — № 52. — 532-м.